



“ЭЛИМ” ҚЎШИҒИНИНГ ҒОЯВИЙ КОНТЕКСТИ

Фазилов Бахром Илхамович

Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти
Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бош мутахассиси

Ганиева Лола Мухсинджановна

Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти
Санъатшунослик фанлари номзоди, профессор в.б.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14854762>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-Fevral 2025 yil
Ma'qullandi: 06-Fevral 2025 yil
Nashr qilindi: 12-Fevral 2025 yil

KEY WORDS

элим, сато, танбур,
государственность,
колыбельная матери, гончар,
след на небесах

ABSTRACT

Мақолада маҳоратли композитор Хушнуд Назаров томонидан таниқли шоир Бобур Бобомуроднинг “Элим” шеърига ёзилган қўшиқнинг ғоявий контексти кўриб чиқилган. Хушнуд Назаров истеъдодли ёшларнинг меҳрибон устози, қатор симфоник асарлар, эстрада вокал ва чолғу асарлари, фильмлар учун мусиқалар муаллифидир. Бобур Бобомурод XXI аср ўзбек шеъриятининг фаол ва истеъдодли ижодкорларидан. Унинг шеърларида Ватан ва мустақиллик мавзулари алоҳида ўрин олган. Мақолада қўшиқ ғоясининг мусиқий ва шеърий контексти, акс эттирилган мавзуларнинг кенгайтирилган мазмуни таҳлил қилинган

“Элим” қўшиғини илк бор тинглаганимизда, уни басталаган ижодкор Хушнуд Назаровдан батафсил маълумот олиш истаги туғилди. Муаллиф билан суҳбат ўтказилган жараёнда Х.Назаровнинг шахсан ўзи ҳис этган онларнинг таъсирида мазкур қўшиқ басталанганлиги маълум бўлди. Ижодкор таъкидлашча, хорижга ижодий сафарда бўлган маҳаллари “Элим” қўшиғини ёзиш фикри туғилган экан. Бироқ, ушбу қўшиқни “Ватан”, “Ватан соғинчи”, “Ўзбекистон” ва шу каби ватанпарварлик руҳиятидаги номлар билан аталишини маъқул деб билмай, “Элим” номи кўнглига жойлашиб, ижодий туғёнларига таскин топган экан. Ўзбек элининг ўзига хослиги исботи сифатида қўшиқ миллий сато чолғусининг хониши билан бошланиб, танбур чолғусининг садоси остида кириш жўрлиги акс эттирилади. Қўшиқнинг айнан ушбу қисми мусиқий мазмун жиҳатдан ўта эътиборлидир. Нима учун шундай? Сабаби шундаки, ер куррасидаги жамийки инсонлар ўзларининг индивидуал ички-кечинмаларини чолғу мусиқаси орқали қабул қилишлари, тасаввурларини турли ракурсларга қарата олишлари имконини беради. Сато, танбур чолғулари эса айнан Марказий Осиё мусиқа маданиятини, аниқроқ айтганда - Ўзбекистон халқининг дардини намоён этиши билан боғлиқдир. Юқоридаги фикр-мулоҳазаларни муаллиф Х.Назаров ҳам таъкидлади. “Элим” қўшиғини ёш истеъдодли хонанда Сардор Шавкатов ижро этиб келмоқда.

Х.Назаров профессионал ижодкор эканлигини яна бир исботи сифатида таъкидлаш жоизки, асарга ўзига хос ва мос овоз тембри танлангани алоҳида эътирофга

молик. Қўшиқ гомофон-гармоник тузилмада бўлса-да, овоз, яъни яккахон ҳамда чолғу жўрлиги кўпқатламлилики ҳосил этган. Дунёдаги глобаллашув жараёнлари ҳам санъат ва маданиятни четлаб ўтмаганлигини, айнан “Элим” қўшиғи мисолида кузатиш мумкин. Турли таркибдаги чолғуларнинг яхлит янграши сайёрамизни яхлитлигича ҳис қилиш имконини беради. Сато, танбур, торли-камонли гуруҳ чолғулари, гитара ва бошқалар шулар жумласидандир.

Композитор ўз фикрларини таниқли шоир Бобур Бобомурод билан ўртоқлашди. Шоирга бундай кечинмалар таниш бўлгани учун матн ёзишга рози бўлди. Бобур Бобомурод эса XXI аср ўзбек шеъриятининг фаол, етакчи ва истеъдодли ижодкори - ўзбек адабиётида ўз овозига, ўзининг илиқ ва ёқимли нафасига, бетакрор ифода услубларига эга ижодкор сифатида севги ва садоқатни, ғам ва ҳасратни, алам, иймон ва инсофни ҳамиша тараннум этади. Бир қарашда шоир тушкун ҳолатларга тушгандай норизодай, армон тўла қалби зардобга айланган ғамғусор одамдай кўринади. Бироқ, унинг сатрларини қайта-қайта, такрор ва такрор ўқиганингиз сари, ўша майинлик, ғамгинлик, тушкунлик остида бахтли, саодатли ҳаётга интиқлик, эртанги кунга юксак ишонч ва журъат билан интилиш туйғуларини яққолроқ ҳис этасиз.[2] Уни шеърларида Ватан ва мустақиллик мавзуси алоҳида ўрин олган.

Маълумки, адабиёт, шеърият - руҳ озиғи. Шеър – кўнгил иши, инсон қалбининг энг нозик пардаларида янгривчи оҳанграбо куй. Бу куй кечмишлар ва келмишлар силсиласида тобланган. Унда башарий орзу-умидлар, армонлар яшайди. Шоир эса бу куйнинг бастакори, қалб торларининг чертувчисидир. Чинакам шеър эса маърифат улашувчи, эстетик дидни юксалтирувчи восита. Санъатда, адабиётда, шеъриятда шундай мавзулар борки, уларни шунчаки оддий ҳаёт ёки фантазия асосида тасвирлаш имконсиз. Булар Она юрт, халқ, миллат каби мавзулардир. Бу мавзулар ҳақида шунчаки ёзиб бўлмайди. Булар энг ҳаяжонли ва аҳамиятли мавзулар ҳисобланади албатта.

Ижодкор аввало, ўзлигини, ўз тарихини теран англаган бўлиши лозим. Ўзбек давлатчилиги узоқ тарихга эга. Юрт тупроғи ҳар қаричининг тарихи бир ажойиб дoston. Турон заминида зардуштийлик динига асос солинган, “Авесто” китобида Милоддан аввалги VII – VI асрларда Ватанимиз ҳудудида илк давлат тузилмалари Катта Хоразм ва Қадимги Бақтрия шаклланганлиги ёзилган. Бу маконда Кушонлар империяси пайдо бўлган. Амир Темурнинг марказлашган давлати инсоният эволюциясида муҳим босқич бўлди.

Ватан муқаддас, бежиз у “Она” сўзи билан ёнма-ён ифодаланмайди. Она муқаддас зот. Она ҳар бир ўзбек оиласининг ор-номуси, фарзандларнинг биринчи тарбиячиси. Бу “тарбия ҳислатлари” эса энг аввало фарзандга Она алласи орқали сингдирилади. Аллада, одатда, онайи зорнинг орзулари, тилаклари, умидлари, илтижолари жо бўлади. Қолаверса, алла – онанинг фарзандига дуоси. Аллада илоҳий куч бор. Аллалар замирида асосан ҳар бир фарзанднинг керак бўлса юртига, элига, халқига жон фидо қилиши, юртини, халқини, оиласини асраб-авайлаши, миллати тараққиёти учун тинмай ҳаракатда бўлиши ғоялари сингдирилган.

Ўзбек адабиётида донишманд шоир-у адиблар кўп. Уларнинг Она юрт, миллат, халқ ҳақида бетакрор битиклари анчагина, булар орасида замонамизнинг истеъдодли ижодкорларидан бўлган - Бобур Бобомуроднинг “Элим” шеъри муносиб ўрин тутди.

Шоир Ватанни астойдил севгани, халқини эъзозлагани, ушбу тушунчаларни моҳиятини чуқур англай олгани, мазмунини ёрқин “бўёқлар” билан моҳирона очиб бера олиш ва ифодалаш қобилиятига эга бўлгани учун, “Элим” ўзига хос, чуқур таъсир этиш имкониятига эга. Шу билан ҳам катта тарбиявий аҳамиятига эга. Устоз бастакор Хушнуд Назаров ва таниқли шоир Бобур Бобомуроднинг биргаликдаги ижодий фаолияти натижасида “Элим” деб номланган асар, кутилганидай ёрқин, чуқур мазмунга эга бўлиб, эстрада санъати шинавандаларининг диққатларини ўзига тортди. Фикримизча, бу кўшиқ “ватанпарварлик руҳидаги лирик- драматик, юксак инсоний ғояларни акс эттирган чуқур фалсафий мазмунли кўшиқлар” қаторига киради. “Элим” ўзбек миллий мусиқасининг турли восита ва ютуқлари билан биргаликда, ўзбек милизматикаси имкониятларини кенг қўлланилгани билан ҳам ажралиб туради.

Ушбу лирик асар ҳам юқорида таъкид этганимиздек, Она Ватан қадри, буюк тарихи бор миллатнинг қичқача таърифу тавсифи берилгани билан муҳимдир. “Элим” сўзининг исботи сифатида кўшиқ сато чолғусининг ҳонишлари асосида бошланиб, танбур чолғуси жўрлиги кўшилади. Кўшиқнинг айнан ушбу қисми мусиқий мазмун жиҳатдан ўта эътиборлидир.

Кўшиқ қуйидаги таъсирчан мисралар билан бошланади:

Салтанатин тузиб кетган боболар,
Дунёга аллалар айтган момолар.
Яхшиликдан мудом сочиб зиёлар,
Асрлардан келган карвонсан элим.

Ушбу мисраларнинг ўзидан ҳам, нега асар “Элим” деб аталганининг сабабини ва муаллифлар эл тушунчасини қандай тасаввур қилишгани маълум бўл ади. Дарвоқе, баъзи кўшиқлардаги мусиқа алоҳида, сўз алоҳида янграшининг гувоҳи бўламиз. “Элим” кўшиғида эса аксинча, шеър билан куй бир-бири билан шунчалик даражада қаттиқ боғланганки, ҳатто қоришиб мутаносиб бўлиб кетганки, уларни бир-биридан ажратиб бўлмагани сабабли шеърни ҳам, куйни ҳам бир одам яратган деган тасаввур ҳосил бўлиши ҳеч гап эмас. Бундай уйғунлик “Элим” асарининг яна бир муҳим ютуғи дейиш мумкин.

“Элим” кўшиғи до-минор тоналлигида ёзилган, куплет шаклига эга бўлиб, ўзбек эстрада миллий кўшиқчилиги жанрида басталанган. У сато чолғуси ижросидаги импровизацион лирик-драматик кириш қисми билан бошланади. Айнан шу унинг лейтмотиви (ғояси, фикрини) ва эстрада услубида яратилганлигини билдириб туради. “Элим” кўшиғи кириш қисмининг суръати бироз оҳиста бўлгани айнан соғинч кайфиятини яратилишига ёрдам беради. Асар динамикаси - уни ҳис қилиш имкониятининг муҳим таркибий қисмига киради. Турли хил динамик ўзгаришлар асарнинг турли ҳил кайфиятини, жумладан, ғамгинликдан тортиб, то шиддат ва келажакка ишонч туйғусини уйғота олади.

Асар Andante темпида бўлса-да, овоз (яъни, яккахон хонанда) ҳамда чолғу жўрлиги кўп қатламликни ҳосил этган. Асар эстрада жанрида яратилганлиги сабабли, унинг асосий лейтмотивининг тузилиши оддий: қайта-қайта ҳониш қилиниши, қўлланилган лад асосида товушни авж ва даромад томон йўналтирилиши натижасида, ўзбек оҳанги, эстрадасига, лирикасига мос равишда куйлаш хусусияти юзага келади. Шу каби ўзига хос воситалар янги образли сифатларни ифода этилиши,

композиторнинг ўзига хос ижодий услуби хусусиятларини акс этиради. Нола, наво ва ниҳоят алла қўшиқни қироат билан ижро этилаётганини намойишқилади.

Асарнинг полимонодик тузилиши, куйнинг янги ифодавий қирраларини очади. Бунинг эвазига эса фақат куй эмас, балки қўшиқнинг бутун мазмуни, жумладан, унинг мураккаб ритмик тузилиши ўзига хос ифодавий хусусиятига эга бўлади. Композитор Х.Назаров ўзининг “мусиқий эссе”сида Бобур Бобомурод шеърининг бадиий образларига асосланиб тембрли “бўёқлар” берган, интонацион чегаралари кенгайтирилган. Мусиқанинг ритмик хусусиятлари ўзбек халқ мусиқасига максимал равишда яқинлаштирилиб, уни бойита олган.

Композитор Х.Назаровнинг қўшиқчилик услубини, асар ижроси эмоционал интонационал воситаларини бойитди. Мусиқали матнда фикр мужассамлаштирилишида фақат ажойиб ладли ифода воситаларининг мажмуидагина эмас, балки ўзбек монодиясининг мужассамлигида ҳам аҳамияти ниҳоятда муҳимдир. Қўшиқнинг гармоник режаси, унинг доминант қоришмасига ҳамда гармоник доминорга асосланганидадир. “Элим” асарининг ўзига хос ритмикаси, артикуляция ва динамикасига асослангани билан ҳам ажралиб туради. Уларни кенг нюансировкаланиш эса асарни эмоционал деталлаштирилиши эҳтиёжидан келиб чиқади. Қўшиққа турли чолғулар жўрлиги, унинг аниқ шаклга эга бўлиши аҳамиятли, чунки у асарнинг асосий йўлини аниқланишига хизмат қилади. Ушбу асар ижро этилишида, жумладан, сато, танбур, торли чолғулар гуруҳи, бас- гитара, ритм гуруҳи каби чолғулар жалб қилинади.

Ушбу асар ўрта ҳажмда бўлиб, она алласини эслатади. Композиторнинг ушбу асари ижро этилиши давомида жўрнавоз ўзички сезгисини янада чуқурроқ ҳис этиши мумкин бўлади. Қўшиқ ижодий ички туйғулар асосида яратилган бўлиб, тўғридан-тўғри чолғулар жўранавозлигига эришишга имкон беради. Ижрочиларга эса ўз чолғусида эркин импровизация ижро этишимкониятлари тавсия этилади.

“Элим” сўзининг исботи сифатида қўшиқ сато чолғусининг ҳониши асосида бошланиб, танбур чолғуси жўрлиги қўшилади. Қўшиқнинг айнан ушбу қисми мусиқий мазмун жиҳатдан ўта эътиборлидир.

Ўзбек миллати ҳеч қачон қўчманчи халқ бўлган эмас, аксинча, шу заминда ўтроқ яшаб, қадимдан деҳқончилик ва сертармоқ хунармандчилик, савдо-сотик ишлари билан мунтазам шуғулланиб келган ҳамда шаҳарлар бунёд этган буюк халқлардан ҳисобланган.

Халқимиз боболардан мерос бўлиб келаётган заминни эъзозлаб, ҳалолдан ризқ-рўзини топиб келган. Биз она ернинг зарраларимиз, табиат эса бизга муқаддас макон. Элимиз ердан узоқлашмай, унга яқин бўлиб, уни ардоқлаш ғами билан яшайди. Деҳқончилик бойликнинг биринчи булоғидир. Хадисда “Ризқни ернинг ўсимликларидан изланглар”, дейилган экан. Яхоб суви муддати қиш чилласига тўғри келиб, матонат ва сабр талаб қилади. Ҳар бир фаслнинг ўзига яраша машаққатларига қарамай, деҳқонларимиз бу улуғ, фазилатли зироат амалини юксак эътиқод билан бажариб келмоқдалар.

Қишда яхоб тараб, қахратон демай,
Ёзда пайкал қараб, саратон демай.
Эли ризқин сўраб, раҳми жон демай,
Даладан келмаган деҳқонсан элим.

Гўдакдан чол ясар, кулолдир ҳаёт! Бу метафорада чуқур маъно борлиги боис, шу мавзуда бироз тўхталсак. Қуйидаги кўшиқни кўпчилик билса керак.

Олмача, анорингга балли,
Сада райҳонингга балли,
Тангрим, мани шўр лойдан
Ясаган кулолингга балли.

Кулолчиликда чарх асосий қурол ҳисобланиб, у катта ва кичик ғилдиракдан иборат бўлиб, улар вертикал ўқ билан бирлаштирилади. Кулол пастки ғилдиракни оёғи билан айлантрииб, юқоридаги ғилдиракка лой кўйиб идиш ясайди.

Кулол сўзининг ўзи жарангдор - лол қисмида иккинчи ва учинчи товушларни узайтрииб талаффуз қилсак, ҳайратда қолган одамнинг оҳангдор л-о-о-л-л ҳайқириғи эшитилади. Маълумки, ер қурраси бир йил ичида ўз ўқи атрофида 365 марта айланади, кулолчилик чархи эса бир дақиқада ўқи атрофида тахминан 365 марта айланади. Ушбу сеҳрли жараёнлар ўртасида бирон бир қонуният бормикин? Ўйланиб қолади киши. Ахир, бу тасодиф эмас, ернинг айланиш сони ва кулолчилик ғилдираги айланиш сони нега бир хил? Фақат бир дақиқада тахминан 365 айланиш бўлгандагина лойга бежирим шакл бериш мумкин экан. Лойнинг юқори қисми бола каби юмшоқ ва эгилувчан бўлади, лой устуни ўсиб борган сари унда инжиқлик-“ўспиринлик” пайдо бўлади десакмуболағабўлмайдди. Айни шу пайтда уни тўғри ушлаб туриш учун анча сабр-тоқат керак! Ушбу нозик “ўспирин”дан ҳали чиройли шакл ҳосил қилиш керак – бўйин, елка, тана, оёқ. Ҳеч қачон – барча саъй-ҳаракатлар қилинса-да, доирада мутлақ “эгизаклар”ни ясашга эришиб бўлмас экан. Кулол кўлларининг изи ҳар доим спирал ҳалқаларни қолдиради: баъзида – деярли сезилмайди, баъзида – аниқ. Ташқи томондан улар кўпинча текисланади ва кўринмайди, идишнинг ички сатҳида эса улар яшайди. Ташқи қиёфада ҳаёт қолдирган изларни ҳам косметик воситалар ва кийимлар билан текислаш мумкин, лекин инсон қалбида ва хотирасидаги излар ўчмайди.

Одам болалари пок, ахлоқан баркамол бўлиш учун тенг имконият билан туғилади. Инсон ҳаёти давомида ўқиб ўрганади, курашади, изланади, адашади, тажриба ортрииб маълум кўникмалар ҳосил қилади ва билимларга эга бўлади. ўрганади, низоларни бартараф этиш ва олдини олиш тажрибаси, ижтимоий ва миллий фойдалилик ҳисси, бағрикенглик кашф этади. Ўз юртини севиш одамни ўйғоқ қалб соҳибига айлантриади, у оламни бошқача рангларда кўради. Ватанга хизмат олий саодатлигини англаб, эзгулик улашиш илинжида ҳаловатидан кечади, фидойилик эвазига тарихи бой, табиати гўзал юртимизни фаровонлигига эришишга қаратилган фаолиятида бутун салоҳиятини сарфлайди, ихтиролар қилади, боғлар яратади. Элим деб, юртим деб, ёниб яшагани эл улуғлайди ва аксинча четдан қараб тураман деганларни умри уволга қолади, охир оқибат аччиқ пушаймонга олиб келади.

Гўдакдан чол ясар кулолдир ҳаёт,
Кимга шону, кимга малолдир ҳаёт.
Эли юрт демаса уволдир ҳаёт,
Ватан деб яшаган инсонсан элим.

Олис осмонда ҳам ўзбекнинг изи бор. Ўзбекистон тарихида илк марта космосга мини -спутник учирган ўзбекистонлик ёш ихтирочи - Зиёдилла Бутаханов 42 минг метр баландликдан Ерни тасвирга олиб, ушбу соҳани ривожлантримоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар ҳалқимиз учун чексиз имкониятлар эшигини очмоқда. Юртимиздаги ислохотлар шунчаки ислохот учун эмас, балки бугунги ва эртанги кун талабига жавоб бера оладиган юксак салоҳиятли, ҳар томонлама рақобатбардош ёшларни тарбиялаш учун қилинаётган саъй-ҳаракатлардир. Бизлар – Ал-Хоразмийлар, Ал-Фарғонийлар, Тўмарислар, Амир Темур-у Бобурийлар, Ибн Сино-ю Улуғбеклар, Термизийлар, Мир Алишер Навоийлар авлодлари ва давомчиларимиз. Халқимиз яратиб берилаётган кенг имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда давлатимизни янада ривожлантириш йўлида белни маҳкам боғлаб, халқимизнинг маънавий куч-қудрати ва боқий қадриятларимизни асраб-авайлашда, дунёга доврўғини тарқатиш ҳамда келгусидаги авлодларга бус-бутунлигича етказишда ислохотларда таянч бўлиб келмоқда.

Тўмарис авлоди, Темур вориси,
Ўғли Алпомиш-у, Барчиной қизи,
Олис осмонда ҳам бу кун бор изи,
Жаҳонга бўйлаган имконсан элим.

Асарни ўрганиш давомида диққатни бадий образ (сиймо) ривожланиши, сўзларни таллафуз қилиш, мантиқан тўғри урғу бериш, артикуляция имкониятларидан тўғри ва тўла фойдалана олиш талаб қилинади. Қўшиқнинг жонли усули адабий ва муסיқий бадий уйғунлигини теран англашга ёрдам беради.

Ушбу қўшиқни ижрочилар томонидан ўз маҳорати, профессионал имкониятлари асосида турлича талқин қилиниши мумкин. Асардаги чолғулар жўрнавозлиги хусусиятлари бунда ижрочига у ёки бошқа импровизацион йўлни қўллашига эркин имкон яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қурбонова Г. “Сенга қолди бу қора кўзим”. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. -Т. 1999.
2. Бобур Бобомурод. “Кўргим келар Сизни негадир”. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2020.
3. Ганиева Л. Эстрадно-инструментальное исполнительство. Учебник. Т.: Муסיқа, 2019.
4. Артикбаева Д.А. “O‘zbek estrada qo‘shiqklarining musiqiy va she‘riy mazmuni xususida” халқаро конференция мақола ва тезислари. Тошкент 2024.
5. “Озод Ватан саодати”, 5-чи жилд, “Адиб” нашриёти. Тошкент, 2014.
6. Қуронон М. “Оталар китоби”. “O‘ZBEKISTON”, -Т., 2007.
7. <https://www.livemaster.ru/topic/812229-o-goncharnom-iskusstve>
8. Мирталипова И.М. Эволюция восточного нетемперированного строя и его претворение в композиторском творчестве Узбекистана. Текст научной статьи по специальности. «Искусствоведение». 2019.
9. Мамазияев Х. Халқ қўшиқларининг тараққиёт йўли. Journal Наука и инновация, 2023.